

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Jild 3, Son 6/S
2023



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SP1342V3I6/SY2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/6 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодири Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:

https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Мамаражабов Бобир Нормўмин ўғли

САУДИЯ АРАБИСТОНИДАГИ ЎЗБЕК МУҲОЖИРЛАРИ ТАРИХИ: МУВАФФАҚИЯТЛИ АССИМИЛЯЦИЯ ВА ЙЎҚОТИЛГАН МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК8-17

Хайдаров Абдулходи Ахмадали ўғли

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА БОҒДОРЧИЛИК ВА ТОМОРҚАЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР 18-22

Назаров Азизбек Ёқубжонович

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИДА ИЛМИЙ ЖАМИЯТЛАР: ТАРИХШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ 23-31

Abdulloyev Jamshed Izzatulloevich

MARKAZIY OSIYO MAMLAKATLARIDA CHEGARA VA SUV MUAMMOLARINING VUJUDGA KELISH ASPEKTLARI VA BUGUNGI RIVOJLANISH BOSQICHI 32-36

Пасилов Баҳодир Абдуллаевич

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА СОВЕТ ИҚТИСОДИЁТИ АСОСЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (1917-1937 йй.) 37-41

Ismailov G'afurjon Xasanovich

TURKIYADAGI O'ZBEK TEKKE (TAKIYA)LARIDAN BIRI "SULTONTEPA TEKKESI" MUSOFIRLAR UCHUN TUTGAN O'RNI 42-46

Raxmatulloev Murodjon Xikmatulloevich

BUXORO VILOYATIDA OMMAVIY AXBOROT VOSITALARI TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHGA OID ISLOHOTLAR 47-50

Elmurodova Nilufar Baxtiyorovna

SHARQ VA G'ARB UYG'ONISH DAVRI MADANIYATI: QIYOSIY TAHLIL 51-55

Нафиддинова Хосият Равшановна

БУХОРО ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР 56-60

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Zhang Hongzhi, Wu Bo

RUMOR RESILIENCE: HOW BUSINESSES ECONOMICALLY RESPOND TO STOCHASTIC RUMOR SPREAD 61-66

Ibrayimova Dilnoza Abdisheripovna

MINTAQADA OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARI ONLINE SAVDO MARKETINGINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI 67-72

Nayimov Shoxruh

PROBLEMS OF FORMATION AND MANAGEMENT OF COLLATERAL PORTFOLIO OF A COMMERCIAL BANK 73-79

<i>Maxkamov Navruzjon Tuxtamishovich</i> ISSUES OF APPLICATION OF QUALITY MANAGEMENT IN THE SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF ENTERPRISES AND ORGANIZATIONS FOR THE PURPOSES OF THE DEVELOPMENT STRATEGY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN	80-88
<i>Рахматуллаев Беҳзод Рахматуллаевич</i> ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР МАСАЛАЛАРИ	89-95
<i>Abdullayeva Zamira Muxtarovna</i> МЕХНАТ ВОЗОРИ ТАЛАБЛАРИГА ОЛИЙ ТА’ЛИМ ХИЗМАТЛАРИ МОДЕЛЛАРИНИ МОСЛАШТИРИШ	96-102
<i>Имомов Холмурод Норқулович, Шарипов Тўлқин Саидахмедович</i> ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШИШИ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ ШЕРИКЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАРИ, МОДЕЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ	103-114
<i>Эргашев Ахмаджон Махмуджон ўғли</i> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ РИСКЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БОШҚАРИШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	115-122
09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Imotova Nozimaxon Avazxonovna</i> ЖАМИАТ FAROVONLIGI TUSHUNCHASI VA UNING O’ZIGA XOS IJTIMOY-FALSAFIY XUSUSIYATLARI	123-129
<i>Qodirov Davronbek Hoshimovich</i> ABULQOSIM QUSHAYRIY VA UNING ILMIY FAOLIYATI	130-133
<i>Jabborova Saodat Sattorovna</i> SHARQ MUTAFAKKIRLARINING MA’NAVIY SALOHİYATNI YUKSALTIRISHDA QO’SHGAN HISSASI	134-142
10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
<i>Tuxtasinova Mahliyoхon Shavkatjon qizi</i> L.Z.BUDAGOV LUG’ATIDA ESKI O’ZBEKCHA SO’ZLARINING EKVIVALENTLAR YORDAMIDA IZOHLANISHI	143-149
<i>Narmuratov Zayniddin Radjabovich</i> INGLIZ VA O’ZBEK TILLARIDA TA’LIM VA ILM MAZMUNLI FRAZEMALARDA EKVIVALENTLIK MASALASI	150-154
<i>Urazaliyeva Mavluda Yangiboyevna</i> UZBEKCORPUS.UZ PLATORMASIDA MORFOLOGIK TAHLIL INTERFEYSI VA DASTURIY TA’MINOTI	155-160
<i>Mirzayeva Yelena Sa’dullaevna</i> O’ZBEK MENTALITETI VA AXBOROTNI IDROK ETISH	161-166
<i>Alimjanova Shohsanam Azamat qizi</i> INGLIZ TILIDAGI KO’P MA’NOLI IBORALARNI O’ZBEK TILIGA TARJIMA QILISH	

USULLARI	167-171
<i>Iskandarova Shamsiyabonu Ulug'jonovna</i> BADIIY ADABIYOTDA MUALLIF VA TARIXIY QAHRAMON O'RTASIDAGI G'OYAVIY BOG'LIQLIK MASALASI (Laila Lalaming "Mavrning hisoboti" asari tahlili asosida)	172-176
<i>Hamroqulova Marjona Nabijon qizi</i> "MAHBUB UL-QULUB" ASARIDAGI FRAZEMALARNING SEMANTIK-USLUBIY XUSUSIYATLARI	177-181

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Zulfikorov Sherzod Xurramovich</i> ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚЎМИТА ВА КОМИССИЯЛАРИДА ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	182-191
<i>Tallibaev Umiddjon Sherгазиевич</i> ОСОБЕННОСТИ ПРИВЛЕЧЕНИЯ К АДМИНИСТРАТИВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ПРАВОНАРУШЕНИЯ В СФЕРЕ ИНФОРМАЦИИ.	192-199

13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Iminakhunova Iroda Huseynovna</i> THE MOST IMPORTANT REQUIREMENTS THAT ENSURE EFFECTIVE PEDAGOGICAL CONTROL OF STUDENTS' SELF-EDUCATIONAL ACTIVITIES	200-206
<i>Usmanaliev Khusniddin</i> INTERCULTURAL COMPETENCE IN THE TEACHING PROCESS OF A FOREIGN LANGUAGE	207-219
<i>Madaminov Uktam Ataxanovich</i> ELEKTRON TA'LIM MUHITIDA FANLARNI MOBIL TEXNOLOGIYALAR ASOSIDA O'QITISH METODIKASI	220-224
<i>Yuldasheva Dilfuza Qodirovna</i> TURIZM YO'NALISHI TALABALARIGA INGLIZ TILIDA SOHAVIY LEKSIKANI O'RGATISH USULLARI	225-229
<i>Tohirova Shohsanam Yunusovna</i> THE IMPORTANCE OF CASE TECHNOLOGY IN PRACTICAL ENGLISH CLASSES IN NON- PHILOLOGICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS	230-236
<i>Nuriddinova Muyassar Muhiddinovna</i> ORGANIZING PHYSICAL EDUCATIONAL EVENTS WITH PRESCHOOL CHILDREN	237-242
<i>Raxmatova Mexrinovna Majitovna</i> YOSHLAR MA'NAVIY SALOHİYATINI YUKSALTIRISHDA INNOVATION TARG'IBOT TEXNOLOGIYALARINING SAMARADORLIGI	243-247
<i>Sheraliyev Odiljon</i> TALABALARNING DIGITAL KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK- PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI	248-254

08.00.00 – Тарих фанлари

Нафиддинова Хосият Равшановна
Бухоро давлат Университети
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

БУХОРО ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАРИ ТАРИХИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

Аннотация. Ушбу мақолада инсонлар ҳаётида муҳим ҳисобланган, Бухоро воҳасига хос бўлган, ўзида кўплаб урф-одат ва анъаналарни мужассам этган бола туғилиши билан амалга ошириладиган ақиқа маросими, мусулмонлар учун муҳим аҳамиятга эга бўлган суннат тўйи ва бир даврдан иккинчи даврга ўтишда нишонладиган мучал маросимларининг тарихи ва умумий хусусиятлари тўғрисида маълумот берилган.

Калит сўзлар: этнографик белги, маросим, ақиқа, чақалоқ, қурбонлик, шукрона, суннат тўйи, “азира”, “тахар”, “мўлжар” ёки “мўлжардароён”

Nafiddinova Khosiyat Ravshanovna
Bukhara State University
Doctor of Philosophy (PhD) in History

INFORMATION ON THE HISTORY OF FAMILY RITUALS OF THE INHABITANTS OF THE BUKHARA OASIS

Abstract. In this article, the Akika ceremony, considered important in people's lives, is characteristic of the oasis of Bukhara and includes many customs and traditions, is performed at the birth of a child, wedding circumcision, which is important for Muslims, as well as the history of many other rituals that noted during the transition from one era to another, and a general characteristic.

Key words: ethnographic sign, ritual, aqika, baby, sacrifice, thanksgiving, circumcision wedding, “azira”, “takhar”, “molzhar” or “molzhardaroyon”

Нафиддинова Хосият Равшановна
Бухарский государственный университет
Доктор философии (PhD) по истории

СВЕДЕНИЯ ПО ИСТОРИИ СЕМЕЙНЫХ ОБРЯДОВ ЖИТЕЛЕЙ БУХАРСКОГО ОАЗИСА

Аннотация. В данной статье церемония акика, считающаяся важной в жизни людей, характерна для оазиса Бухары и включает в себя множество обычаев и традиций, проводится при рождении ребенка, обрезание свадьбы, что имеет важное значение для мусульман, а также история многих других обрядов, которые отмечаются при переходе от одной эпохи к другой, и общая характеристика.

Ключевые слова: этнографический знак, ритуал, акика, младенец, жертвоприношение, благодарение, обрезанная свадьба, «азира», «тахар», «молжар» или «молжардаройон»

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I6/SY2023N09>

Кириш. Маънавий қадриятларнинг асосий қисмини анъана, урф-одат ва маросимлар ташкил қилади. Улар ҳар бир кишининг ахлоқий-маънавий камолотига таъсир қилади ва авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади. Айниқса, оилавий маросимлар инсонларнинг ҳаётида учрайдиган қувончли ва қайғули ҳолатларни нишонлаш билан боғлиқ ҳаракатларда яққол кўринади.

Ҳар бир халқнинг бошқасидан ажратиб турувчи муҳим этнографик белгилардан бири унинг оилавий маросимларидир. Ҳар қандай маросим у ёки бу халқнинг маълум бир тарихий тараққиёт босқичидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий ривожланиш даражасини кўрсатувчи асосий белгилари ўзида мужассамлаштирган ҳолда пайдо бўлган ва сақланиб қолган [1, 152].

Тадқиқот методологияси. Мақола моҳиятини ёритиб беришда синтез, комплекс ёндашув, тизимли ёндашув, контент анализ, қиёсий таҳлил, диалектик усуллардан фойдаланилди.

Оилавий маросимларни оиланинг у ёки бу аъзоси ҳаётидаги муҳим воқеаларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, қуйидагиларга ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Оилада фарзанд туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ маросимлар;
2. Никоҳ-тўй маросимлари;
3. Таъзия ва дафн этиш билан боғлиқ маросимлар.

Оилавий маросимларнинг пайдо бўлиш тарихи ҳам узоқ даврларга бориб тақалади. Бундай маросимларга биз инсон туғилганидан бошлаб то вафот этгунига қадар доимий равишда ўтказиб келинади.

Таъкидлаш жоизки, маросимлар ўзида тарихий анъаналарни сақлаш билан бирга, ҳар бир даврда ўзига хос замонавий кўринишларни ҳам намоён этувчи урф-одат ва анъаналар тизими ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Ислом оламида ҳам инсон туғилиши билан боғлиқ бўлган маросимлар бир қанча бўлиб, воҳа аҳолиси орасида айнан бола туғилиши билан ўтказиладиган маросимлардан бири бу ақиқа маросими ҳисобланади.

Ақиқа (араб.– “чақалоқ сочини олиш, қурбонлик сўйиш”) – мусулмон оилаларида янги туғилган болага исм қўйиш ва “қорин сочи” (боланинг туғилган вақтдаги сочи — Н.Х.) га қайчи уриш билан боғлиқ одатдир [2, 552].

Ақиқа маросими диний маросим сифатида мусулмон оламида кишилар ҳаётидаги асосий маросимлардан бири бўлган ва аҳоли орасида кенг нишонланган. Ақиқа сўзига турли адабиётларда турлича таъриф берилади. Масалан, янги туғилган чақалоқнинг бошидаги туки (сочи – Н.Х.) ни “Ақиқа” дейилади. Аллоҳ таолога шукр ва ҳамд маъносида туғилган чақалоқ учун қурбонлик қилишни ҳам ақиқа ҳисобланади.

Фарзандлар учун ибодат ва истакларга қўшимча равишда, ақиқа ҳам боланинг сочини биринчи марта кесиб ташлаш ёки сочиб ташлаш ва унинг оғирлиги олтин ёки кумуш ёки унинг миқдоридидаги маблағни камбағалларга берилиши билан боғлиқ жараёндр. Бироқ ҳозирги кунга келиб бундай анъаналарга жуда кам ҳолатларда амал қилинади.

Аввало, боланинг олинган сочи тўғри келган жойга ташлаб юборилмаган. У одатда, бирор мевали дарахтнинг тагига кўмиб қўйилган. Чунки келажакда худди шу мевали дарахт каби кўпайишига ишора қилинган [3].

Таъкидлаш жоизки, этнологияда соч ҳам сеҳрли хусусиятларга эга ашёлардан бири бўлиб, воҳада у билан боғлиқ кўпгина урф-одат ва ирим-сиримлар мавжуд.

Бухоро воҳасида ақиқа маросими бола туғилгандан сўнг одатда, 7, 14, 21 кунлигида қўй сўйиб маросим ўтказилиб, бола сочига қайчи урилган. Ҳозирги кунда Бухоро шаҳрида қўйни сўйиб тарқатиб бериш ҳолатлари кўп учрайди.

Ақиқа гўшти тақсимланиши тўғрисида турли фикрлар мавжуд. Баъзи ҳолларда гўштнинг учдан бир қисми камбағалларга садақа ёки эҳсон сифатида берилади, қолганлари қариндошлари, дўстлари ва қўшнилари тарқатилиб, баҳам кўрилади. Уни қай тартибда тарқатиш одамнинг ўзига боғлиқ бўлиб, агар у хоҳласа, гўшти кўни-қўшни ва қариндош-уруғларга, яна камбағал-бечораларга тарқатсин, агар истаса дастурхон ёзиб, одамларни меҳмонга чақириш ҳам мумкин бўлади. Аммо, бундан кўра энг ҳақдор одамларга тарқатиш афзал. Шунингдек, воҳада халқ орасида баъзи ҳолларда ақиқа гўштнинг асосий қисми боланинг онасига едирилиши керак, деган қараш ҳам мавжуд [4]. Шунда боланинг соғлом вояга етиши ва унинг онаси ўзини тиклаши учун етарли шароит яратилган деб ҳисоблаш мумкин бўлади. Ақиқа маросимини қилиш ёки қилмаслик шарт эмас, бироқ ақиқани ўтказиш суннат ҳисобланади. Бу эса воҳа аҳолиси орасида ўзига хос инсонпарварлик тамойиллари асосида нишонланадиган оилавий маросимлардан биридир. Бугунги кунда воҳанинг турли миллатга мансуб аҳолиси (асосан, тожиклар) орасида ушбу маросимни ўтказилиши этнолокал хусусият касб этади.

Россия империяси ва Совет даврида ақиқа маросими эскилик сарқити сифатида нишонланмаган. Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, кейин ҳам баъзи ҳолларда нишонланганда ўзининг асл моҳиятини йўқотиб, у фақатгина чақалоқ туғилганини эл-улусга маълум қилиш вазифасини бажариб келган десак муболаға бўлмайди. Лекин бугунги кунда ақиқа ўзининг асл илдизларидан биров узилганининг гувоҳи бўлсакда, яна халқ ҳаётига қайтганлиги ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Шарқ халқлари орасида энг кенг тарқалган маросимлардан бири бу суннат тўйидир. Бу маросимнинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, бу каби расм-русумларнинг пайдо бўлиши ибтидоий жамоа тузумига бориб тақалади ва мазмунан ўспириннинг катталар сафидан ўрин олиши муносабати билан амалга оширилган.

Ҳозирги кунда ҳам суннат тўйи турли ҳудудларда ўзига хос кўринишда нишонланади. Бу маросим зардуштийлик ва яҳудийлик динида ҳам нишонланиб келинган. Шунингдек, Бухоро амалдорларининг хатна тўйи маросимини ўтказишни сўраб амирга ёзган аризасида келтирилган маълумотни ҳам бу рўйхатга киргизишимиз мумкин [5].

Аҳоли орасида мусулмончилик анъаналарига кўра, хатна тўйи бўлмаган бола тозаланмаган ҳисобланган ва одатда, уйланиши ҳам мумкин бўлмаган деган қарашлар мавжуд [6]. Бу ҳар бир отанинг ўз ўғли олдидаги ва исломий бурчи ушбу тўйни нишонлаш ҳисобланган [7].

Ислом динида ўғил фарзанднинг етти ёшигача албатта суннат қилдириш фарз саналади. Шунингдек, араблар мусулмон бўлмасдан олдин ҳам бу маросимни амалга оширган. Араблар суннат зиёфатини “азира” деб атаганлар [8, 320]. Маккада эса “таҳар” номи билан тўйлар ўтказилган. Айнан шу томошаларда 3-7 ёшли болалар суннат қилинган. Суннат қилинадиган кун болага чиройли тоза ва янги кийимлар кийдирилган ва от устига айлантирилган. Бунга сабаб воҳада боланинг бир ёш босқичидан иккинчи

ёш босқичига яъни, инициация даврига ўтиш ҳисобланган [9]. Бундай тўй-томошаларга ноғорачи ва довулчилар ҳам чақирилган. Маросимнинг асосий қисми суннат қилиш жараёни тўй-томошанинг эртаси кунига ўтказилган.

Мисрда ҳам ўғил болалар 5-6 ёшида суннат қилинган бўлиб, маросим асосан кўпчилик иштирокида, хурсандчилик билан нишонланган. Тўй болалар қариндошлари билан кўчаларни айланишган [10, 381]. Жазоирда эса маросим боланинг етти кунлигидан 13 ёшга етгунига қадар бўлган оралиқда ўтказилган [11, 381]. Дунёнинг баъзи бир давлатларида эса суннат қилиш ислом динини қабул қилиш маросими сифатида амалга оширилади.

Инжилда келтирилган маълумотларга кўра, аввал Иброҳим, кейин Исмоил хатна қилинган. Шундан кейин бу одат араблар орасига кенг тарқала бошлаган. Кейинчалик, ислом динида эса суннатилик мусулмонликнинг бош омилларидан бирига айланди.

Келтирилган маълумотларга кўра суннат тўй ўзбеклар орасида ҳам қадимдан машхур бўлган. В.Н. Басилов ўз тадқиқотларида суннат тўйининг ўзига хос бўлган алоҳида хусусиятларини санаб ўтган [12, 99-114]:

1. Суннат тўй бошқа маросимлардан унга келган меҳмонлар сонининг кўплиги билан ажралиб турган. Унда қариндош уруғ, қўни-қўшни, таниш билишлардан ташқари бутун маҳалла жамоаси иштирок этган.

2. Суннат тўй бир кун давом этмаган. У оиланинг моддий аҳволига қараб бир кундан тўрт кунгача давом этган.

3. Суннат тўй жуда катта харажатларни талаб қилган. Албатта бу харажатлар оиланинг ижтимоий ҳолатига ҳам боғлиқ бўлган.

4. Суннат тўй жамоа маросими ҳисобланган.

5. Бу маросимда келин томон қудаларнинг ўрни алоҳида бўлган. Ҳам аёл қуда, ҳам эркак қуда суннат тўйда харажатнинг каттагина қисмини ўз зиммаларига олган.

6. Кўп киши иштирок этадиган маросимда тартиб сақланиши учун ҳар бир ишга масъуллар тайинланган.

Маросимни ташкил қилиш учун уста, тўй оқсоқоли, тўй раиси, ошпазлар жамоаси, қассоб, новвой, омборчи, чойхоначи, дастурхончи, хабарчи ёки жарчи хизматларидан фойдаланилган ва бу вазифаларга тўйни бошлашдан олдин махсус кишилар тайинланган. Бу борада жамоа ва маҳалланинг ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим. Маҳалла одатда турли оилавий маросимларни ташкиллаштиришда ижобий роль ўйнаган. Маҳаллани бошқариш учун тайинланган маҳалла оқсоқоли одатда маросимларни ҳам ташкиллаштиришга бош бўлган. Маросимларни ўтказиш учун эса кайвон ёки ходим тайинланган [13, 178]. Воҳада оилавий маросимлар аҳоли орасида маҳаллаларда жамоавий тарзда кўпчилик билан нишонланган ва нишонланиб келмоқда. Масалан, суннат тўйида 800-1000 кишининг иштирокида ўтказилган [14]. Пандемия даврида (Covid-2019) воҳада аксарият тўйларда харажатни камайтириш учун маросим гуруҳ тарзида яъни, 100-150 киши иштирокида амалга ошириладиган бўлди.

Мучал ўсмирликни қутлаш маросими бўлиб, нафақат бизда, балки Осиё ва Африка мамлакатларида ҳам кенг тарқалган. Унинг тарихи қадимги Грек-Бақтрия давлатига бориб тақалади. Бухоро воҳасида бу маросимни “мўлжар” ёки “мўлжардароён” деб аташади. Ўтмишда бола мучали қайси йилга тўғри келса, феъли ҳам ўшанга мос бўлади, деган ақидага ишонганлар. Маросим учун қизга ҳам, ўғил болага ҳам бошдан-оёқ, янги оқ, сарпо қилиш анъанага айланган. Бу билан мучали нишонланаётган ўғил ва қиз

келажагининг порлоқ ва бахтли бўлиши ният қилинган[15, 161]. Архив ҳужжатларида Наврўз байрами муносабати билан халқ сайлларини ўтказиш мақсадида Бухоро амалдорларининг амирга ёзган аризаси сақланиб қолган[16].

Хулоса ва таклифлар. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки инсон туғилганидан оилада тарбияланади. Оилавий ҳаётни биз турли маросимларсиз тасаввур қила олмаймиз. Маросимлар инсоният тараққиётининг энг қадимги даврларида пайдо бўлган бўлиб, узоқ ривожланиш йўлини босиб ўтган. Маросимларни ўтказишда воҳа аҳолиси жуда кўплаб анъана, урф одат, маросим ва ирим- сиримларни ҳам амалга оширади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Саримсоқов Б. Маросим фолъклори // Ўзбек фолъклори очерклари. – Т., 1988. – Б.152.
2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси // 1-жилд... – Б. 552.
3. Дала ёзувлари. Бухоро шаҳри, Чорбаҳосса маҳалласи. 2018 йил.
4. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, эски шаҳар қисми. 2019-йил.
5. ЎЗМДА. И -126-жамғарма, 1-рўйхат, 1859 - иш.
6. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти. Бухоро шаҳри, Чорбаҳосса маҳалласи, 2020 йил.
7. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти. Шофиркон, Жондор ва Ромитан туманлари. 2021 йил.
8. Шайх Абдулазиз Мансур. Бахтли оила. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2020. – Б. 380.
9. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти. Когон, Жондор, Шофиркон туманлари. 2018 йил.
10. Шайх Абдулазиз Мансур. Бахтли оила... – Б. 381.
11. Шайх Абдулазиз Мансур. Бахтли оила... – Б. 381.
12. Басилов В.Н. Суннаттой в ферганском кишлаке // ЭО. 1996, № 3. – Б. 99-114.
13. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б.178.
14. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти. Шофиркон, Пешкў ва Вобкент туманлари. 2021 йил.
15. Сафаров О., Маҳмудов М. Оила маънавияти. – Тошкент, “Маънавият”. 2009. – Б.161.
16. ЎЗМДА. И -126-жамғарма, 1-рўйхат, 1852- иш.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 5/6 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).